

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>М.Исмоилов, З.Кўпайсинова</b> Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар .....	6
---	---

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

<b>Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов</b> Индивидларнинг умр кўриш давомийлиги ҳақида .....	11
<b>В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова</b> Фарғона водийси қумли даҳалар тупроқлари .....	14
<b>А.Махсумов, Б.Исмаилов</b> 1-фенил азонафтол-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши .....	20

КИМЁ

<b>Х.Юлдашев, Ю.Мансуров</b> Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши .....	24
<b>С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев</b> Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомплексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари .....	29

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>И.Носиров</b> Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари .....	33
<b>С.Хусанбоев</b> Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари .....	40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>Ў.Аҳмедова</b> Таълимнинг ижтимоийлашувида маънавий тарбия масаласи .....	44
---	----

ТАРИХ

<b>О.Маҳмудов</b> Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар .....	47
<b>С.Юлдашев</b> Фарғона сомоний волийлар бошқаруви даврида .....	53
<b>А.Атаходжаев</b> Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири .....	61
<b>И.Фуломов</b> 1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир .....	67
<b>А.Алохунов</b> Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар .....	73
<b>В.Абиров</b> Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши .....	77
<b>Ш.Холикулов</b> Россия империяси суд-ҳуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти .....	84
<b>Ш.Усанов</b> Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари .....	89

УДК: 416.6

## ҚОФИЯНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВА СТРУКТУРАЛ ЭВОЛЮЦИЯСИ

## ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ И СТРУКТУРАЛЬНАЯ ЭВОЛЮЦИЯ РИФМЫ

## FUNCTIONAL AND STRUCTURAL EVOLUTION OF RHYME

Шарафиддинов Хурсанд<sup>1</sup><sup>1</sup>Шарафиддинов Хурсанд

– Фарғона давлат университети, филология фанлари номзоди.

**Аннотация**

Мақолада қофиянинг формант вазифаси ҳақида маълумот берилди. Маълумки, фольклор намуналари яратилган илк босқичларда такрорнинг аллитерация, ассонанс каби кўринишлари фаол бўлган. Кейинчалик саж такрор тури ҳам кириб келди. Мақолада такрорнинг бир тури сифатида қофия бошқа такрор турлари билан қиёсланади ва ўзига хос томонлари ажратиб кўрсатилади.

**Аннотация**

В статье представлена информация о формантной функции рифмы. Известно, что в рифмовом повторе на ранних стадиях возникновения фольклорных образцов были активны такие виды, как аллитерация и ассонанс. Позже появился тип саж. В статье сравнивается один тип повтора с другими типами, выделяются его конкретные аспекты.

**Annotation**

The article provides information on the formation function of the rhyme. It is known that the rhyme repetition in the early stages of the occurrence of folklore samples were active such species as alliteration and assonance. Later a type of saj appeared. The article compares one type of repetition with other types, its specific aspects are allocated.

**Таянч сўз ва иборалар:** қофия, компонентли қофия, такрор, аллитерация, ассонанс, структурал эволюция, функционал эволюция.

**Ключевые слова и выражения:** рифма, компонентная рифма, повтор, аллитерация, ассонанс, структуральная эволюция, функциональная эволюция.

**Key words and expressions:** rhyme, component rhyme, repeat, allyteration, assembly, structural evolution, functional evolution.

Ўзбек халқ мақолларининг шеърий шакл олувида дастлаб турли стилистик воситалар иштирок этган. Фонетик такрорнинг аллитерация ҳамда ассонанс турлари билан ҳам мақол шеърий шаклга кирган. Шунингдек, маълум параллел бўлақларда жойлашган сўзларга бир хил грамматик формалар қўшиш, яъни грамматик формалар такрори асосида ҳам мақолнинг шеърий шакли вужудга келган:

Ишлаганинг уйинга,

Ўрганганинг ўзинга. [1,13]

Мақолдаги “ишламоқ” ва “ўрганмоқ” феъллари бир хил грамматик форма – сифатдош ҳамда 2- шахс эгалик қўшимчалари билан шаклланган, “уй” ва “ўз” сўзлари эса 2-шахс ҳамда жўналиш келишиги формалари билан шаклланган. Турли сўзларнинг конкрет параллел бўлақларда жойлашуви ҳамда айна грамматик формаларнинг такрори мақолнинг шеърий шаклини таъмин этган.

Фонетик такрорнинг саж ва қофия учун умумий бўлган типи ҳам мақол поэтик

структурасини шакллантиришда такрорнинг бошқа турлари қатори қатнашган. Лекин бу типдаги такрор тобора фаоллашиб борган. Кейинчалик фонетик такрорнинг материал жиҳатидан умумий бўлган бу типидан икки тип поэтик элемент ажраб чиққан: саж ва қофия. Бундай ажралишнинг асоси нутқ шаклига хосланишдир. Қофия нутқнинг фақат шеърий шаклига хосдир.

Қофиянинг ўзбек халқ мақоллари поэтик структурасидаги ўрни, роли, функционал-стилистик хусусиятлари ҳамда турларини белгилашда дастлаб унинг вазифаларига асосланилади.

Қофия мақол структурасида архитектураник вазифани бажаради. Бу вазифани бажариш қуйидагича кечади: а) қофия мақол жумлаларини, энг аввал, бирламчи фонико-ритмик (музикий) бирлик, яъни мисрага уюштиради – мисра ташкил этишда қатнашади; б) мисраларни бирлаштириш (интеграцион функция) асосида иккилик, тўртлик ва баъзи ҳолларда, учлик бандларни ташкил этади. Мақол кичик

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳажмли жанр бўлганлиги туфайли иккилик банд кўп ҳолларда мустақил тугал бадиий асар тусини олади. Демак, қофия мисраларни иккиликка уюштириш билан структура жиҳатидан мақолнинг шеърий шаклини таъминлайди.

Олов куйдирар тушган ерини,  
Душман куйдирар тутган ерини.  
[1,138]

Бу – иккиликка уюшган мақол. Таркибида қофия қатнашган ўзбек халқ мақолларининг кўпчилиги шу типда шаклланган. Учлик асосида шаклланган қофияли мақолнинг ёлғиз намунаси мавжуд:

Отинг ёмон бўлса, армонинг кетар,  
Боланг ёмон бўлса, дармонинг кетар.  
Хотининг ёмон бўлса, меҳмонинг кетар. [1,96]

Мақолга шеърий шакл беришда қофиянинг горизонтал ўрни мисра бошида (анафорик), мисра ичида (инфорик) ва мисра охирида (эпифорик) бўлиши мумкин. Баъзан бир мақоллар структурасида ҳам анафорик, ҳам эпифорик қофия қатнашади:

Ният қилсанг, етарсан,  
Ҳасад қилсанг, йитарсан. [1,108]

Ўриннинг бундай турли-туманлигидан қатъи назар, қофия мақолни архитектураник шакллантириш вазифасини бажаради. Бундай архитектураник шакллантириш мақол мазмуни учун хизмат қилади – унда олға сурилган фикр, ғояни ихчам, бадиий жиҳатдан мукамал ва эвфоник ифодалаш имконини яратади.

Қофия мақол структурасида ритмик функцияни бажаради: бирламчи ритмик бирлик бўлиниш мисрани ритмик жиҳатдан уюштиришда қатнашади. Мисрага фонетик жиҳатдан интонацион (синтактик жиҳатга боғлиқ бўлмаган) бутунлик бағишлайди.

Сўз ботирлиги тилда,  
Эр ботирлиги белда, – [1,33]  
мақолида ҳар икки мисра ҳам интонацион жиҳатдан, ҳам синтактик жиҳатдан алоҳида-алоҳида бутунликдир. Лекин,

– Ўйламай қилинган иш,  
Бошга келтирар ташвиш, – [1,47]  
мақоли бир синтактик бутунликдан иборат. Фоник жиҳатдан эса икки ритмик-интонацион бутунликдан ташкил топган. Мана шу икки бутунликка уюштиришнинг омили (иш-ташвиш) қофиядир. Бир синтактик бутунликни интонация воситасида фоник жиҳатдан икки бутунликка ажратиш жамият

тараққиётининг, хусусан, бадиий тафаккур тараққиётининг кейинги босқичларига тўғри келади. Чунки бу ҳодиса мазмундан нисбатан ажралган ҳодиса бўлиб, фоник бутунликка ажратишда интонация қатнашади, интонациянинг қатнашиши абстракцияни талаб қилади. Абстракция эса инсон фаолиятининг, бадиий тафаккурининг нисбатан кейинги босқичларига хосдир. Фоник бутунликнинг мисра тушунчаси билан боғланиши ҳам мазкур ҳодисани кейинги босқичга хослигини кўрсатади. Ёзма адабиётдаги мисра ҳам оғзаки ижоддаги фоник бутунлик – мисрадан озик олибгина ўз ривожига эришган. Қофия интонация асосида фоник бутунлик вужудга келтиришнинг асосий воситасидир. Унинг стилистик воситаликдан чиқиб, поэтик элементга айланиши ҳам асосан шу вазифаси билан зич боғланади. Шу асосда қофия поэтик элементга айлангач, оғзаки ижод намуналарида формант вазифасини бажара бошлаган. Хусусан, мақол поэтик структурасида ҳам формант вазифаси билан қатнашиб, мақолнинг иккилик, учлик, тўртлик формаларини вужудга келтиради, яъни бадиий асар бўлмиш мақолнинг архитектураник жиҳатдан ранг-баранг бўлишини таъмин этади.

Қофиянинг мақол поэтик структурасида хушоҳангликни таъмин этишда қатнашиши, бадиий жиҳатдан мукаммаллашувида иштирок этиши, яъни эвфоник ва эстетик функция бажариши унинг семантик функцияси билан бирга кечади: мақол текстидаги аҳамиятли сўзни ажратади, унга юкланган ғоявий нагрукани алоҳида кўрсатади – ўзида мавжуд бўлган оҳангдошлик воситасида таъкидлайди.

Қофия умуман ўз “фаолиятини”, жумладан ўзбек халқ мақоллари структурасидаги “фаолиятини” ҳам ассоциатив функциядан бошлаган. Ёзув пайдо бўлмаган бир даврда оғзаки ижод маҳсули, хусусан, мақоллар ҳам авлоддан авлодга хотира воситасида оғзаки узатилар эди. Бу бадиий асарнинг шаклига алоҳида эътиборни тақозо этади, чунки ҳар қандай хотира ҳам истаганча маҳсулотни эслаш имконига эга эмас. Агар асар формал жиҳатдан хотирага енгил ўрнашадиган бўлса, уни кишилар томонидан ўзлаштирилиши ва авлодларга узатилиши енгиллашади. Қофия

бадий асар бўлмиш мақолга оҳангдошлик бағишлаб, худди шу эҳтиёжни қондирган – ассоциатив рол ўйнаган. Бу вазифаси билан қофия архитектуроник элемент эмас, стилистик восита эканлигида, ўзининг дастлабки босқичида майдонга чиққан; ҳозир ҳам – поэтик элемент сифатида ҳам ўзининг дастлабки вазифаси бўлмиш ассоциатив вазифани бажаради.

Ўзбек халқ мақоллари структурасида қофия тараққиётини, ривожланишини белгилаш мақолнинг умумий шаклидаги такомиллашувидан келиб чиқилган ҳолда бажарилиши лозим. Масалан, стилистик восита сифатида функция бажарувчи қофия кейинчалик поэтик элемент сифатида архитектуроник вазифани бажарадиган фигурага айланади. Бу жараён мақол умумий шакли, структурасидаги тараққиёт билан зич боғланади. Мақоламизда Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”ида келтирилган қуйидаги мақолда қофия бор.

Арпасиз ат ашумас, арқасиз алп чэрик сийиумас. [2,144-145]

Кейинчалик мазмунан шу мақолнинг биринчи қисми базасида тугал поэтик шаклда яна бир мустақил мақол яратилдики, унда қофия архитектуроник элемент сифатида қатнашади. Масалан:

Озиқли от ҳоримас,

Ҳориса ҳам оримас. [3,179]

“Девон”дан келтирилган мақолда икки қофиядошлик мавжуд: арпасиз – арқасиз, ат-алп. Бу қофиядошлик мақол эвфониясини таъминлаган, оҳангдошлик жиҳатини қуюқлаштирган. Бу мақолнинг эвфоник жиҳати кейингисидан кучли. Бироқ оҳангдошлик стилистик восита сифатида ассоциатив ҳамда эвфоник вазифани бажариш билан чекланади. Кейинги мақол таркибидаги оҳангдошлик– ҳоримас – оримас–ассоциатив ва эвфоник вазифани бажариш билан бирга, архитектуроник вазифани ҳам бажаради. Бу функционал эволюция мақол шакли эволюцияси билан бирга, мақолнинг умумий шакли эволюцияси доирасида рўй беради.

Келтирилган мақолларнинг шаклий ўзгариши – бу, модел ўзгаришидир. Шундай мақоллар ҳам борки, модел ўзгаришсиз қолади, айрим сўзлар янгиланиши эвазига қофия вужудга келади. Масалан: “Зарбулмасал”да келтирилган “Яхши нафас – ярим мол» [1,12] мақоли кейинчалик

моделни ўзгартирилмаган ҳолда поэтик шаклга эга бўлган. Бу, мақол таркибидаги айрим сўзлар ўрнига ўзаро оҳангдош сўзлар келтириш натижасида мумкин бўлган:

Яхши ният,

Ярим давлат. [3,59]

Алмаштирилган “ният” ва “давлат” сўзлари аслида “нафас” ва “мол” сўзлари билан лингвистик планда синонимик эмас. Лекин юқоридаги мақоллар матнида синоним бўлади – контекстуал синоним. Демак, мақол моделдан фойдаланиб, унинг таркибидаги сўзлар синонимлари билан алмаштирилиши эвазига вужудга келган қофиядошлик тайёр модел доирасида архитектуроник вазифани бажарган. Бу функцияга асосланиш (қофия функциясига асосланиб, сўзлар синонимлари билан алмаштирилган), демак, функционал эволюциядир.

Қофиякомпонент бўғинларининг чуқурлашуви ҳам қофиянинг фонетик эволюцияси доирасига киради. Масалан, “эмас”, “демас” сўзлари икки бўғиндан иборат, қофиякомпонент сифатида ҳам икки бўғин қатнашади. Едирмас, дедирмас сўзлари уч бўғин, бу сўзлар қофиякомпонент сифатида қатнашганда уч бўғин билан қатнашиб, юқоридаги икки бўғинга нисбатан кучлироқ оҳангдошлик яратади. Бу ҳам қофиянинг фонетик эволюциясидир.

Қофиядаги структурал эволюция қофиякомпонент таркибига, унинг тузилишига боғлиқ. Масалан:

– Алплар бирла урушма,

Беглар бирла турушма, – [2,192]

мақолининг қофиякомпоненти ҳам, қофияси ҳам структурал жиҳатдан соддадир. Шу мақолнинг иккинчи қисми асосида яратилган – Ўйнашмагин арбоб билан,

Арбоб урар ҳар боб билан, – [3,195]

мақолининг қофиякомпоненти мураккаб бўлиб, у аналитик формали суратда шаклланган, яъни “арбоб” ва “билан” сўзларидан ташкил топган, қофияси ҳам структурал жиҳатдан мураккаб бўлиб, у ўз ичида таркиб қисмларига бўлинади: арбоб– ҳар боб. Бу, қофиянинг структурал эволюциясидир.

Хуллас, ўзбек халқ мақоллари қофиясининг эволюцияси, энг аввало, мақол умумий структурасидаги эволюция билан бирга кечади; қофиянинг стилистик восита сифатидаги такрор туридан архитектуроник

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

вазифа бажаришга ўтиши унинг функционал эволюциясидир.

Қофия материали бўлмиш қофиякомпонентлар уйғунлигининг кучайиши ва чуқурлашуви қофияга ҳам алоқадор бўлиб, бунинг натижасида қофия уйғунлиги ҳам чуқурлашади. Бу, унинг фонетик эволюциясидир.

Қофиякомпонент структурасининг соддадан мураккабга силжиши туфайли қофия ҳам структурал жиҳатдан мураккаблик томон силжийди. Бу, унинг эволюциясидир.

Умуман, мақол структурасидаги эволюция ҳам, қофиясидаги эволюция ҳам бадий тафаккур эволюцияси, борлиқни мантиқий ва бадий ўзлаштиришнинг янада чуқурлашуви билан боғланади.

Мақол қофиясининг (умуман, қофиянинг) эволюцияси фонетик жиҳатдан белгиланганда, қофиякомпонентларнинг даражаси бир-бирига максимал яқинлашиши билан белгиланади. Масалан,

– Мол оласи тишида,

Одам оласи ичида, – [3,66]

мақолининг “Девон” вариантларида қофиякомпонент сифатида “ичтин” ҳамда “тоштин” сўзлари қатнашади. Аниқки, “ичида” сўзига оҳангдошлик жиҳатидан “тошида” сўзи эмас, “тишида” сўзи яқинроқ, чунки бу

оҳангдошлиқда биринчи бўғинни яратувчи унлиларда бир хиллик бор. Шунингдек, “Зарбулмасал”да келтирилган

– Аслинг хатоси бўлмас,

Ножинсинг ошноси бўлмас, – [1,33]

мақолининг қофияси “хатоси” ва “ошноси” сўзларининг товуш уйғунлигига асосланади. Бу мақолнинг ҳозирги вариантыда иккинчи қофиякомпонент “атоси” сўзи билан алмашган. Кўринадики, фонетик уйғунлик кучайтирилган. Мана шу фонетик уйғунликнинг кучайиши қофиянинг фонетик эволюциясидир.

Қофиякомпонент бўғинлари кўламнинг кенгайиши, янада чуқурлашуви ҳам қофиянинг фонетик эволюцияси доирасига киради. Масалан,

– Тўқлар нелар дедирмас,

Очлик нелар едирмас, – [3,186]

мақолининг “Девон”даги шакли қуйидагича:

Оч не емас, тўқ не демас. [2,108]

Мақолнинг умумий структурасида жумлалар ўрни алмашган. Бу ўзгаришнинг давоми сифатида қофиякомпонентлар бўғиндошлиги чуқурлашган. “Девон” вариантыда қофиякомпонентлар икки бўғиндан иборат бўлса, ҳозирги шаклида уч бўғиндан ташкил топган. Бу ҳам фонетик эволюциядир.

## Адабиётлар:

1. Гулханий. Зарбулмасал. – Т.: 1972.
2. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1-т. – Т., Фан, 1960.
3. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Фан, 1978.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)